

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВ ЛАЗИЗ АБДИВАЛИ ЎҒЛИ**

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА**  
**«РАБИЪ АЛ-АБРОР» АСАРИ МУҲИМ**  
**МАНБА СИФАТИДА**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий**  
**тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 930.1 (575)

КБК: 63.3 (543)

T-87

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по историческим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on historical sciences**

**Тўраев Лазиз Абдивали ўгли**  
Махмуд Замахшарий илмий меросида «Рабиъ ал-аброр» асари  
муҳим манба сифатида ..... 3

**Тураев Лазиз Абдивали угли**  
«Рабиъ ал-аброр» как важный источник в научном наследии  
Махмуда Замахшари ..... 23

**Turayev Laziz Abdivali ugli**  
«Rabi' al-Abror» as an important source in the scientific heritage of  
Makhmud Zamakhshari..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВ ЛАЗИЗ АБДИВАЛИ ЎҒЛИ**

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА**  
**«РАБИЪ АЛ-АБРОР» АСАРИ МУҲИМ**  
**МАНБА СИФАТИДА**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий**  
**тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tar521 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маннонов Абдурахим Муталович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исламов Зоҳиджон Маҳмудович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Худойберганов Равшан Турабович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**ЎЗР ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [info@tsuos.uz](mailto:info@tsuos.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.Ш. Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси в.б., филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д., доцент

**Қ.Ш. Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон шарқшунослигида шарқ алломаларининг бой илмий мероси, уларнинг ҳаёт йўли ва илм-фанга қўшган ҳиссаларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга бўлган диққат ва эътибор тобора кучаймоқда. Хусусан, шарқ мутафаккирларининг дунё фондларида сақланаётган илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарлари асосида, қолаверса уларнинг қўлёзма нусхалари устида юқори эътирофга лойиқ бўлган илмий лойиҳалар, монографик-тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Дунё манбашунослигида тарих, адабиёт, география, дин, табиат ва тиббиёт соҳаларига оид қўлёзма манбаларни тарихий манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ўрганиш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Дунё миқёсида тарихий манбашунослик соҳасига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ ҳали олимлар назаридан четда қолган қўлёзма асарлар ҳам йўқ эмас. Маҳмуд Замахшарийнинг «Рабиъ ал-аброр» асари ана шундай чуқур ўрганилмаган мавзулар қаторида туради. Асар устида янги илмий изланишлар олиб бориш, монографик тадқиқот яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий қарашлари ва бебаҳо илмий ва маънавий мерослари билан жаҳон цивилизациясига муносиб улуш қўшган улуғ алломаларимизнинг асарларини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш ишига айрича эътибор қаратилмоқда. Ушбу амалий ишлар натижасида мамлакатимиз шарқшунослигида янги «замахшарийшунослик» йўналиши бўй кўрсатди. Ўзбек олимлари томонидан алломанинг ҳаёт йўли, илмий меросига оид, айниқса, унинг тилшуносликка оид асарлари юзасидан қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, монография ҳамда рисоалар, илмий мақолалар нашр этирилди. Бироқ аллома илмий меросининг уфқлари ниҳоятда кенг. Унинг тарих, география, фалсафа, дин, илоҳиётшунослик соҳаларига қаратилган ўнлаб асарлари чуқур тадқиқ этилгани йўқ. Чунончи, алломанинг жамият соҳаларни ўз ичида қамраб олган «Рабиъ ал-аброр» асари ҳам ана шундай тадқиқ этилмаган масалалар сирасида туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup>, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup>, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги<sup>3</sup> қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4791086>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5854226>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳмуд Замахшарий илмий меросига қизиқиш унинг ҳаётлик давридан бошланган. Ўз даврининг йирик олиму машойхлари, ёзувчи ва муаррихлар асарларида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёт йўли, у яратган асарлари ҳақида маълумотлар қолдирган. Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий мероси қанча даврлар ва замонлар ўтса-да, ўзининг долзарблиги, илмий аҳамиятини йўқотмасдан илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси ҳақида ироқлик олим Абул Барокот ал-Анбарий<sup>4</sup>, тарихчи, адиб Ибн ал-Қифтий<sup>5</sup>, тарихчи ва географ Ёкут ал-Ҳамавий<sup>6</sup>, адиб ва ҳуқуқшунос Муҳаммад Ибн Халликон<sup>7</sup>, Мирзо Муҳаммад Боқир<sup>8</sup>, тарихчи, шажарашунос ва шайхул ислом Усмон аз-Заҳабий<sup>9</sup>, турк олими Ҳожи Халифа<sup>10</sup>, Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпризода<sup>11</sup> ва тарихчи Ибн Имад ал-Ҳанбалийлар<sup>12</sup> Маҳмуд Замахшарий ҳаёт йўли, ижодий ва илмий меросига оид маълумотлар беришган.

Алломанинг илмий меросига эрон олимлари ҳам кўп бора мурожаат қилишган. Эронда Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига оид ўндан ортиқ рисолалар, тадқиқотлар, юзлаб илмий мақолалар дунё юзини кўрди. Эронлик олимлардан Али Ризо Боқир, Али Ризо Мухторфур Қаҳрудий<sup>13</sup> ҳамда Зухра Озарий<sup>14</sup> каби олимлар аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий ижодига оид тадқиқотларни амалга оширишган.

Немис шарқшуноси Карл Брокельман<sup>15</sup>, мисрлик профессор Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфи<sup>16</sup>, профессор Фозил Солиҳ ас-Самарийлар<sup>17</sup> томонидан ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий йўли, асарларига бағишланган қатор библиографик ва монографик тадқиқотлар амалга оширилган.

<sup>4</sup> ابن الانباري. نزهة الألباء في طبقات الأدباء. المحقق: إبراهيم السامرائي. مكتبة المنار. 1985/1405.

<sup>5</sup> علي بن يوسف القفطي. إنباه الرواة على أنباه النحاة. المحقق: محمد أبو الفضل إبراهيم. مؤسسة الكتب الثقافية في بيروت. 1986/1406.

<sup>6</sup> ياقوت بن عبد الله الحموي. معجم الأدباء. الناشر: عيسى البابي الحلبي. 1936/1355.

<sup>7</sup> ابن خلكان. وفيات الأعيان وأنباء أبناء الزمان. المحقق: إحسان عباس. الناشر: دار صادر. 1977/1397.

<sup>8</sup> الميرزا محمد باقر الموسوي الخوانساري. روضات الجنات، في أحوال العلماء والسادات. ناشر: اسماعيليان. 1970/1390.

<sup>9</sup> محمد بن أحمد بن عثمان بن قايمز الذهبي. سير أعلام النبلاء. المحقق: شعيب الأرنؤوط - بشار معروف - آخرون. الناشر: مؤسسة الرسالة. 1985/1405.

<sup>10</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. دار إحياء التراث العربي. 1941. مصطفى بن عبد الله كاتب جلبي القسطنطيني - حاجي خليفة.

<sup>11</sup> أحمد بن مصطفى الشهير بطاش كبري زادة. مفتاح السعادة ومصباح السيادة في موضوعات العلوم. دار الكتب العلمية. 1985/1405.

<sup>12</sup> عبد الحي بن أحمد بن محمد ابن العماد العكري الحنبلي. شذرات الذهب في أخبار من ذهب. المحقق: عبد القادر الأرنؤوط - محمود الأرنؤوط. الناشر: دار ابن كثير. 1986/1406.

<sup>13</sup> سال چاپ: 1388. فخر خوارزم (مروری بر زندگی و آثار جلاله زمخشری). علیرضا باقر، علیرضا مختار پورقهرودی.

<sup>14</sup> زهره آنری. کتاب جلاله زمخشری و اشعار او: پژوهشی سبک شناسی. سال چاپ: 1398

<sup>15</sup> Brockelmann C. Geschichte der arabischen literatur. Bd, I. – Leiden, 1937.

<sup>16</sup> احمد محمد الحوفي. الزمخشری. الناشر: دار الفكر العربي. 1966/1396.

<sup>17</sup> فاضل صالح السامرائي. الدراسات النحوية واللغوية عند الزمخشری. الناشر: مطبعة الإرشاد. 1971/1390.

Маҳмуд Замахшарий илмий ижодини ўрганган рус олимлари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улардан В.Бартольд<sup>18</sup>, А.Крымский<sup>19</sup>, Н.Поппе<sup>20</sup>, Б.Халидов, А.Халидов<sup>21</sup> ва А.Боровковларни<sup>22</sup> санаб ўтиш мумкин.

Маҳмуд Замахшарий ижоди, унинг фалсафий ва диний қарашларига оид М.Сиржиддинзода каби тожик олимлари томонидан ҳам диссертация ишлари амалга оширилган.

Юртимизда ҳам аллома ижоди билан боғлиқ қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада А.Рустамов<sup>23</sup>, У.Уватов<sup>24</sup>, Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим<sup>25</sup>, Ф.Зоҳидлар<sup>26</sup> томонидан туркум китоблар, монографиялар, З.Исломов<sup>27</sup>, М.Ҳакимжонов<sup>28</sup>, М.Носирова<sup>29</sup>, А.Болтаев<sup>30</sup>, Н. Сулаймонова<sup>31</sup>, С.Қосимова<sup>32</sup>, Ш.Мирзиятов<sup>33</sup> ва Д.Худжановалар<sup>34</sup> томонидан амалга оширилган диссертация ишларини кўрсатиш мумкин.

1964 йилда Кембрижнинг Гиртон коллежида ироқлик олим Баҳийжа Боқир Ал-Ҳусний «Маҳмуд Замахшарий таржимаи ҳоли ва «Рабиъ ал-аброр» асари бир қисмининг танқидий матни» мавзусида PhD диссертациясини ёқлаган<sup>35</sup>. Мазкур тадқиқот 3 боб 17 бўлимдан иборат бўлиб, 3-боби «Рабиъ ал-аброр» асарига бағишланади. Тадқиқотда асарнинг 98 бобидан 1-бобининг танқидий матни амалга оширилган.

Кейинги йилларда ҳам «Рабиъ ал-аброр» асари бўйича айрим тадқиқотлар юзага келди. Хусайин Саманжи «Ez-Zemaḥşerî'nin hayati ve arap edebiyati alanındaki çalışmaları» номли магистрлик ишини ёзди<sup>36</sup>. Бу ишда Маҳмуд

<sup>18</sup> Бартольд В.В. Рукописи Замахшари со старотюркскими глоссами. Сочинения. Т. 8. – С. 465-468.

<sup>19</sup> Крымский А. Арабская литература в очерках и образцах. – М., 1911.

<sup>20</sup> Поппе Н.Н. Монгольский словарь «Мукаддимату-л-адаб». Т. 1, 2. – М.: изд. АНССР, 1938.

<sup>21</sup> Халидов Б.З. Замахшари (о жизни и творчества) // Семитские языки. – М., 1965, Халидов Б.З., Халидов А.Б. Биография аз-Замахшари, составленная его современником ал-Андарасбани // П.П.В (ежегод.) 1973, 1979, – С.203, 212.

<sup>22</sup> Боровков А.К. Тюркские глоссы в Бухарском списке «Мукаддимату-л-адаб». - М., 1971.

<sup>23</sup> Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Т.: «Фан», 1971.

<sup>24</sup> Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. «Нозик иборалар». У.Уватов таржимаси. – Т.: «Камалак», 1992; «Маҳмуд аз-Замахшарий». - Т.: «Мерос», 1995; «Хоразмлик буюк аллома». – Т.: «Янги аср авлоди», 2006.

<sup>25</sup> Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. - Т.: EXTREMUM PRESS, 2010.

<sup>26</sup> «Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума». Фозил Зоҳид. Таржимон Р.Зоҳид. – Т.: «Муҳаррир», 2011.

<sup>27</sup> Исломов З.М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Мукаддимату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили / Филол. фан. ном. ... диссертацияси. – Т., 1993; Ўша муаллиф. Маҳмуд Замахшарийнинг «Мукаддимату-л-адаб» асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзликнинг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида) / Филол. фан. док. ... диссертацияси. – Т., 1998.

<sup>28</sup> Ҳакимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг «Мукаддимату-л-адаб» асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили /Исмлар/ Филол. фан. ном. ... диссертацияси. – Т., 1994.

<sup>29</sup> Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-ннаҳ» рисоласи – араб тили грамматикасига оид асар. Филол. фан. ном. ... диссертацияси. - Т., 2003.

<sup>30</sup> Болтаев А. Аз-Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Сиёс. фан. ном. ... диссертацияси. – Б., 2007.

<sup>31</sup> Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға»сининг манбашунослик тадқиқи. Филол. фан. ном. ... диссертацияси. – Т., 2007

<sup>32</sup> Қосимова С. XI–XIII асрларда Мовароуннаҳр тилшуносларининг араб грамматик назарияси бўйича илмий тадқиқотлари. Филол. фан. бўй. фал. док. (PhD) диссертацияси. – Т., 2019.

<sup>33</sup> Мирзиятов Ш. «Мукаддимату-л-адаб» асарида тилшунослик, луғатшунослик анъаналари ва арабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик талқини». Филол. Фан. бўй. фал. док. (PhD) диссертацияси. – Т., 2019.

<sup>34</sup> Худжанова Д. XII асрда Мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбалар (Маҳмуд Замахшарий ва Абу Ҳафс Насафий асарлари асосида). Филол. Фан. бўй. фал. док. (PhD) диссертацияси. – Т., 2020.

<sup>35</sup> Bahijjah Baqir, «Biography of al-Zamakhshari with a critical edition of a part of Rabi al-Abrar». Ph.D. thesis. – Cambridge, 1964.

<sup>36</sup> Hüseyin Samancı. Ez-Zemaḥşerî'nin hayati ve arap edebiyati alanındaki çalışmaları. Yüksek lisans tezi. – Konya, 2015.

Замахшарийнинг адаб илми соҳасидаги хизматлари ва «Рабиъ ал-аброр» асарининг ёзилиш мақсади, унинг манбалари ҳақида маълумот келтирилади. 2017 йилда яна бир турк олими Ҳасан Ерказан «Zemahşeri'nin eserlerinde bulunan hadîslerin kaynakları» номли мақоласида «Рабиъ ал-аброр» асарида келтирилган ҳадисларга тўхталиб ўтади<sup>37</sup>.

«Рабиъ ал-аброр» асари бўйича араб оламида ҳам айрим илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ал-Саид Муҳаммад ал-Хусайний ал-Шерозий 2000 йилда «Тазкират ал-ахбор фий талхийс Рабиъ ал-аброр» китобини нашрдан чиқарган<sup>38</sup>. Бу китоб «Рабиъ ал-аброр»нинг қисқача мазмуни бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан намуналар келтирилади. Бундан ташқари мисрлик профессор Муҳаммад Усамаъ Ҳасаннинг «Минхаж аз-Замахшарий фи китаби Рабиъ ал-аброр» («Рабиъ ал-аброр» китобида Замахшарийнинг ёндашуви)» номли мақоласи эълон қилинган<sup>39</sup>. Мақолада асар услуби, унинг ёзилиш мақсади тўғрисида баъзи маълумотлар берилди.

«Рабиъ ал-аброр» асарининг бир нечта замонавий нашрлари ҳам мавжуд. Асарнинг замонавий нашрини биринчилардан бўлиб 1976-1982 йилларда ироқлик профессор Салим ал-Нуъаймий<sup>40</sup>, кейинчалик, ливанлик олим 1992 йилда Абдуламир Муҳанна<sup>41</sup>, 1992 йилда Абдулмажид Диаб Рамазон Абдул Тавоб шарҳи билан<sup>42</sup>, 2006 йилда Байрутда Торик Фатҳий ал-Саид<sup>43</sup>, 2008 йилда Абдулмажид Диаб<sup>44</sup> Ҳусайин Нассор шарҳи билан Қоҳирада ва 2020 йилда Абдуллоҳ Абдусамиълар<sup>45</sup> асарнинг замонавий нашрларини чоп этишган.

Ўзбекистонда ҳам асар билан боғлиқ айрим мақолалар ёзилган. Тадқиқотчи Баҳодир Пирмухамедовнинг илмий мақоласини асар бўйича дастлабки ўзбек тилидаги маълумот сифатида эътироф этиш мумкин<sup>46</sup>.

XXI асрга келиб, туркманистонлик олим Р.Элмухаммедов «Рабиъ ал-аброр» асарини араб тилидан туркман тилига таржимасини амалга оширди<sup>47</sup>. Тожикистонда нашр қилинаётган «Камоли Хужанди» илмий-адабий даврий журналининг айрим сонларида ҳам асарнинг маълум бир қисмидан парчалар журнал бош муҳаррири Ф. Насриддинов томонидан араб тилидан тожик тилига таржимаси бериб келинмоқда<sup>48</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети «Манбашунослик ва

<sup>37</sup> Hasan Yerkanan. Amasya üniversitesi ilahiyat fakültesi dergisi. ISSN: 2147-7256. Sayı/Issue: 8. – Amasya, 2017.

<sup>38</sup> السيد محمد الحسيني الشيرازي. تذكرة الأخبار في تلخيص ربيع الأبرار. 1420م-2000م.

<sup>39</sup> منهج الزمخشري في كتاب ربيع الأبرار. مصر. 2013. محمد، أسماء حسن

<sup>40</sup> ربيع الأبرار ونصوص الأخبار 1-4. تصنيف الامام محمد بن عمر الزمخشري. تحقيق سليم النعيمي. بغداد 1976-1982م - 1428-1432هـ

<sup>41</sup> ربيع الأبرار ونصوص الأخبار 1-5. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. عبد الأمير مهنا. بيروت 1992م - 1412هـ

<sup>42</sup> ربيع الأبرار ونصوص الأخبار. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. و دراسة عبد المجيد دياب ؛ مراجعة رمضان عبد التواب. القاهرة 1992م - 1412هـ

<sup>43</sup> ربيع الأبرار ونصوص الأخبار في المحاضرات 1-2. أبي القاسم جار الله محمود بن عمر/الزمخشري. طارق فتحي السيد. بيروت 2006م - 1426هـ

<sup>44</sup> ربيع الأبرار ونصوص الأخبار. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. عبد المجيد دياب ؛ مراجعة حسين نصار. القاهرة 2008م - 1428هـ

<sup>45</sup> ربيع الأبرار ونصوص الأخبار في المحاضرات 1-2. تأليف أبو القاسم محمد بن عمر الزمخشري. عبد الله عبد السميع. القاهرة 2020م - 1440هـ

<sup>46</sup> Пирмухамедов Б. «Маҳмуд Замахшарийнинг «Рабиъ ал-аброр» асари ва унинг қўлёзма нусхалари»// Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали. - 2002 йил. - №1. 71-72 б.

<sup>47</sup> Pirmammedow R. Mahmyt az- Zemahşari. «Ųagşyzadalaryň bahary». – Aşgabat: Miras, 2004.

<sup>48</sup> Маҳмуд ибни Умари Замахшарӣ. Баҳори хубон. Тарҷума ва мунтахаби Фахриддин Насриддинов / Фаслномаи илмӣ-адабии «Камоли Хучандӣ».



тасаввуф герменевтикаси» кафедрасининг «Тарихий, адабий манбашунослик ва тасаввуфшунослик» номли илмий-тадқиқот ишлари режасига тўлиқ мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Маҳмуд Замахшарий “Рабиъ ал-аброр” асарининг Тошкент ва хориж фондларидаги қўлёзма нусхаларини аниқлаш, уларнинг манбашунослик тадқиқини амалга ошириш, йирик қомусий манба эканлигини асослаш орқали асардаги баъзи тарихий, жуғрофий ва ижтимоий-фалсафий мавзуларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросида «Рабиъ ал-аброр» асарининг ўрнини кўрсатиш;

«Рабиъ ал-аброр» асарининг Ўзбекистон ва хориж фондларида сақланаётган қўлёзма нусхаларини аниқлаш ва тавсифлаш;

асарнинг Ўзбекистон мусулмонлар идораси кутубхонасида сақланаётган ноёб қўлёзма нусхасини илк бор илмий истифодага киритиш;

асарнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги қўлёзма нусхаси боблар таркибига аниқлик киритиш;

«Рабиъ ал-аброр» асари ўз даврининг барча соҳаларини қамраб олган йирик қомусий манба эканлиги аниқлаш;

«Рабиъ ал-аброр» асарида келтирилган тарихий-жуғрофий ва ижтимоий-фалсафий мавзуларни таҳлил этиш, уларнинг манбавий асосларини аниқлаш ва таҳлил этиш;

«Рабиъ ал-аброр» асарининг жанр хусусиятларини таҳлил қилиш ва Маҳмуд Замахшарийнинг «муҳозара» услубини қўллаш маҳоратини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Рабиъ ал-аброр» асарининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган 1490-рақамли, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги 2384-рақамли ҳамда Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят Ахборот кутубхона маркази Шарқ фондидаги 128-рақам билан сақланаётган қўлёзмалар белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросида «Рабиъ ал-аброр» асарининг ўрни, шу кунга қадар тадқиқ қилинмаган Тошкент нусхалари ва уларни муҳим жиҳатларини таққослаш, асардаги тарихий, диний, ижтимоий қарашлар талқини, шунингдек, манбада келтирилган мусулмон оламида машҳур бўлган шаҳарларга оид муҳим тарихий-жуғрофий маълумотлар таҳлилидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, комплекс ёндашиш, холислик, тавсифлаш, манбалар билан ишлаш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Маҳмуд Замахшарий «Рабиъ ал-аброр» асарининг Ўзбекистон ва хориждаги 50 дан ортиқ қўлёзма нусхалари аниқланиб, улардан 35 таси илк бор тавсифланган ва илмий муомалага киритилган;

Тошкентда сақланаётган «Рабиъ ал-аброр» асарининг ноёб нусхаси манбашунослик нуқтаи назардан илк бор илмий муомалага олиб кирилган ҳамда унинг мукамал нусха эканлиги асосланган;

«Рабиъ ал-аброр» асари Тошкент нусхасининг Шарқ қўлёзмалари тўпламининг II жилди 1783-тартиб рақамида берилган маълумотлар нотўғри эканлиги исботланиб, ушбу қўлёзма нусха 77 боб эмас, 98 бобдан иборат эканлиги аниқланган;

«Рабиъ ал-аброр» «муҳозара» услубида ёзилган асар сифатида ўтмишда яшаб ўтган алломаларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини очиб беришда муҳим манба эканлиги исботланиб, асарда келтирилган Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Макка, Мадина, Ҳижоз, Бағдод, Басра, Куфа, Хуросон, Шом, Нишопур, Исфаҳон сингари шаҳарларнинг ўрта асрлардаги тарихий-жуғрофий қиёфаси кўрсатилган ҳамда Ислом оламидаги ўрни далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Рабиъ ал-аброр» асари қўлёзмасининг хориж олимлари назаридан четда қолган Тошкент нусхаларининг тўлиқ илмий тавсифи амалга оширилган. «Рабиъ ал-аброр» асари тарих, астрономия, география, адабиёт, табиат ва тиббиёт соҳаларига оид асар эканлиги, унинг мазмун-моҳияти тарихий манбашунослик нуқтаи-назардан ёритиб берилган;

асарнинг турли даврларда турлича номлар билан аталиши, шунингдек «Рабиъ ал-аброр» асарининг мухтасар ҳолда ёзилган бошқа вариантлари мавжудлиги, асардаги қадимги шаҳарларнинг табиати, иқлими, обод жойлари, аҳолисининг фазилатлари ҳамда мусулмон оламида тутган ўрни тўғрисидаги маълумотлар, ўша шаҳарларда яшаган шоирларнинг шеърлари, шаҳарларга берилган таърифлари келтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижаларининг ишонччилигини дунёнинг турли фондларида сақланаётган Маҳмуд Замахшарий «Рабиъ ал-аброр» асарининг ўттиздан ортиқ қўлёзмалари асосида амалга оширилганлиги, бирламчи манбаларга таянилганлиги, тадқиқот йўналишидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқ усуллари, диссертация натижаларининг ишонччилигини ваколатли тузилмалар томонида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий-гуманитар фан соҳаларидаги тарих, адабиёт, тарихий манбашунослик, адабий манбашунослик йўналишларида, шунингдек «маъруза илми» услубида ёзилган асарлар устида олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг «тарихий манбашунослик» ва «адабий манбашунослик» фанлари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, қолаверса, Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий мероси юзасидан ўқув-услубий қўлланмалар, рисоалар, маърузалар ва махсус курслар ишлаб чиқишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси, хусусан, «Рабиъ ал-аброр» асари ва унинг манбашунослик тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Маҳмуд Замахшарийнинг ёшлар таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, уларнинг маънавиятини, маърифатини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-ахлоқий қарашлари бўйича олинган хулосалардан ПЗ-20170929561 рақамли «Ёшларда

инновацион тафаккурни шакллантириш ва миллий ғояга содиқлик руҳини кучайтиришда маънавий-маърифий тарғибот механизмларини такомиллаштириш» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги № 89-03-4815-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳада келтирилган алломанинг дидактик асарлари, хусусан «Рабиъ ал-аброр» асаридаги панд-насиҳатлар, ўғитлар ва ибратли сўзлар ёшларнинг миллий кадриятларга хурмат туйғусини кучайтиришга хизмат қилган;

«Рабиъ ал-аброр» асари қўлёзмасининг хориж олимлари назаридан четда қолаётган Тошкент нусхалари ҳамда хорижда сақланаётган асарнинг 30 дан ортиқ қўлёзма нусхаларининг тавсифи бўйича олинган хулосалар ва илмий янгиликлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан тайёрланган маълумотлар ва илмий тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/445-сон маълумотномаси). Натижада, ўрта асрларда яшаган алломаларининг илмий мероси билан боғлиқ марказ томонидан тайёрланган маълумотлар ва илмий тадқиқотларнинг бирламчи манбалар асосида ёритилишига ёрдам берган;

«Рабиъ ал-аброр» асарининг Тошкент нусхалари, асарнинг хориж нусхалари хусусидаги ҳамда асарда берилган турли ҳадислар, ҳаётий мақол-масаллар, фойдали маслаҳатлар, ибратомуз ҳикматлар ва шеърларда кўтарилган мавзуларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги таҳлилий фикрлар ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат муассасаси «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарриятининг «Миллат ва маънавият», «Бедорлик» ва «Ўзбекистон ёшлари» радио эшиттиришларининг дастурларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат муассасасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 04-25-1708-сон маълумотномаси). Томошабинлар ва радио эшитувчиларга тақдим этилган маълумотлар кўрсатувларнинг далилларга бой, сермазмун чиқишига ёрдам берган ҳамда «Рабиъ ал-аброр» асарида берилган эзгу ғоялар ва фазилатлар ёшларини маърифатли бўлишлари учун хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, бундан 2 таси хорижий журналда шунингдек, 12 та мақола халқаро ва республика илмий тўпламларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, тадқиқот қисми 159 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маҳмуд Замахшарий илмий меросида «Рабиъ ал-аброр» асарининг ўрни**» деб номланган. Мазкур бобда XI-XII асрлардаги Хоразмдаги ижтимоий-маданий ҳаётнинг ўрта аср манбаларида ёритилиши, унда Маҳмуд Замахшарийнинг ўрни, «Рабиъ ал-аброр» асари ёзилиш сабаби, унинг услубий хусусиятлари, асар номининг турли шакллари, асарнинг манбалари ва унинг таркибий тузилиши масалалари очиқ берилган.

Ўрта асрларда яратилган кўплаб манбаларда Хоразм ҳақида ажойиб маълумотлар учрайди. Жумладан, Рашидиддин ал-Ватвотнинг «Ар-Расоъил» китобида шундай жумлалар мавжуд: «Хоразм ҳар доим олим ва донишмандларнинг саёҳат қиладиган жойи бўлган»<sup>49</sup>.

Маҳмуд Замахшарий «Рабиъ ал-аброр» асарида Хоразм ҳақида шундай ёзади: «Хоразмнинг афзал жиҳати шундан иборатки, у адл ва тавҳид аҳли йўли бўлмиш тўғри йўлдан бормоқда»<sup>50</sup>. Аллома мазкур асарда адиб Ибн Самақанинг Хоразм тўғрисидаги сўзларини ҳам келтиради: «Хоразм, мисоли бутун ўлкаларда учрамайдиган фазилатларга, шаҳарлар ичра, ундан бошқасида топилмайдиган мақталган сифатларга эгадир. У ислом оламидаги олди шаҳарлардандир»<sup>51</sup>.

Хоразм илм-фанининг ривожланишида Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг ўрни беқиёс эканлигини кўплаб тарихчилар ўз асарларида эътироф этишган. Тарихчи ибн ал-Қифтий шундай дейди: «...Замахшарий илм ул-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга намуна бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашиб, тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлар яратган. У ўз асарида араб тилида ижод қилган ажамликлар (араб бўлмаганлар) орасида энг буюгидир»<sup>52</sup>. Яна бир тарихчи ибн Халликон эса: «Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм-ул-баёнда буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг яғонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарлар муаллифи эди»,<sup>53</sup> деб ёзган.

Олимларнинг Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ва шахсияти ҳақидаги сўзлари ва берган таърифлари унинг нафақат Хоразмда, балки, шарқ мамлакатлари тарихида ҳам тутган ўрни беқиёс эканлигини кўрсатиб беради.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросида муҳим ўрин тутган «Рабиъ ал-аброр» асари муқаддимасида асарнинг ёзиш сабаби ва мақсадини баён этади: «Мен ушбу китобни «Ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил» тафсирини ўқиган китобхонларнинг

<sup>49</sup> رشيد الدين الوطاط. مجموعة رسائل. مصر. ج-1. 1315هـ. ص-66.

<sup>50</sup> «Рабиъ ал-аброр» қўлёзмаси. ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фонди. Қўлёзма № 2384. 33а варақ. (Бундан кейинги ўринларда ЎЗР ФА ШИ. Қ.№ 2384. 1а варақ. шаклида.)

<sup>51</sup> ЎЗР ФА ШИ. Қ.№ 2384. 326-33а варақ.

<sup>52</sup> Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. 23 б.

<sup>53</sup> ابن خلكان. وفيات الاعيان وانباء ابناء الزمان. ج-5. ص-168.

хотирларини жамлаш ҳамда асарни ўқиш давомида кўп мулоҳаза юритганликлари, тафсирдаги мураккаб жиҳатларни ва сирларни очишга интилганликлари учун уларнинг чарчаган зехнларига ором беришни, уларнинг қалбларига роҳат бағишлашни мақсад қилганман... . Кимки унга яқин бўлса, муҳтожлик кўрмайди, ким у билан дўст бўлса, бошқа дўст керак бўлмайди»<sup>54</sup>.

«Рабиъ ал-аброр» асари ўзига хос бир услубда ёзилган бўлиб, уни бошқа асарлардан баъзи жиҳатлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. Маълумки, тарихий манбашуносликда тарихий асарнинг асл нусха, оригинал бўлиши ёки компилятив яъни бошқалар маълумотларни йиғиб ёки айнан келтирилиши, тўлиқ ва ноқислиги, қисқалиги, воқеаларнинг қай тарзда ифода этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади<sup>55</sup>. Шу жиҳатдан ҳам «Рабиъ ал-аброр»ни ёзилган услубини, қандай асар эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Асарни араб адаб илмидаги ўн икки илмдан бири бўлган علم المحاضرات «илми муҳозарот» (маърузалар илми) услубида ёзилган асар деб ҳисоблаш мумкин. Аслида Маҳмуд Замахшарий асар услуби ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган. Асарни тадқиқ этиш давомида ҳамда шу каби асарларни ўрганиш натижасида «Рабиъ ал-аброр» асари маърузалар илми услубида ёзилган деган хулосага келинди. Маърузалар илмида маълум бир мавзу ҳақида гап кетаётганда бошқа шахсларнинг ҳам ўша мавзуга оид сўзлари, фикрлари ва маълумотларидан унумли фойдаланиш назарда тутилади. Чунки, асарда узоқ тарихдан тортиб, аллома яшаган даврига қадар бўлган ҳам диний, ҳам дунёвий масалаларга оид иқтибослар келтирилган. Бу иқтибослар боб мавзусига доир тарихий маълумотлар, воқеа-ҳодиса, насихат, ўғит, суҳбат, ҳикоя, ривоят ва шеърлардан иборат. Шунингдек, асарда араб, форс, ҳинд, юнон ва туркий халқларнинг машҳур шахсларидан ўша халқларнинг аҳолиси, ўтмиши, маданияти, кадриятлари, иқлими, табиатига оид маълумотлар жамланган. Маҳмуд Замахшарий асарни тасниф этиш жараёнида иқтибосларнинг соддасини, ҳажми жиҳатдан кичигини ва ҳар қандай табақа вакилларига тушунарли бўлган ибораларни танлаган.

«Муҳозара» услубида ёзилган ўнлаб асарлар дунё илм-фанига машҳур. Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ат-Тамсил ва ал-Муҳозара», «Мунис ал-Воҳид ва нуҳат ал-мустафид фи ал-муҳозарот», «Ҳияят ал-муҳозара», Ибн ал-Марвон ад-Диноварийнинг «Ал-Мужализи ва Жавоҳир ал-илм», Муҳиддин ибн Арабийнинг «Муҳозарот ал-аброр ва мусомират ал-ахёр», Ибн Ҳожа ал-Ҳамавийнинг «Симираат ал-авроқ фи ал-муҳозарот» каби асарлар шулар жумласидандир.

«Рабиъ ал-аброр» асарининг эътибор қаратиш лозим бўлган бир жиҳати мавжуд бўлиб, бу унинг номини турли шаклларда берилиши. Араб ва форс тилида ёзилган кўплаб асарларнинг муаллифлари, уларнинг номлари, ёзилган макон ва замонини аниқлаш манбашуносликдаги муҳим вазифаларидан бўлиб, уларга аниқлик киритиш мураккаб масала ҳисобланади. Бу масала «Рабиъ ал-аброр» асарида ҳам учрайди. Унинг номи турли қўлёзма манбаларда, китобларда ва қўлёзма каталогларида турли шаклларда берилган.

<sup>54</sup> ЎзР ФА ШИ. Қ.№ 2384. 16 варак.

<sup>55</sup> Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. - Т.: «Фан», 2007. 17 б.

Тадқиқот давомида таҳлилга тортилган 9 та қўлёзма, 4 та каталог ҳамда Маҳмуд Замахшарий илмий меросига оид 16 та монографик тадқиқотларда «Рабиъ ал-аброр» номи билан боғлиқ қуйидаги фактларга дуч келиш мумкин:

Асарнинг номи Ўзбекистондаги 3 та, Лейдин университетидаги 1 та ва Франция миллий кутубхонасидаги 4 та қўлёзма нусхаларида қисқа шаклда, бир хил «ربيع الأبرار» («Рабиъ ал-аброр») кўринишда келган. Германиянинг Лейпциг университети ислом қўлёзмалари фондидаги нусхада асар номи «ربيع الأبرار فيما يسر الخواطر و الأفكار» «Рабиъ ал-аброр фимо йасир ал-хавотир ва ал-афкор» деб ёзилган.

«Рабиъ ал-аброр»нинг номланиши дунё фондлари каталогларида ҳам турли кўринишда берилган, жумладан, Британия музейидаги араб қўлёзмалари каталогига<sup>56</sup> «ربيع الأبرار» «Рабиъ ал-аброр», Честер Битти кутубхонаси қўлёзмалар каталогига<sup>57</sup> «Rabi' al-abrar fima yasur al-khawatir wa'l-afkar», Берлинда нашр этилган Берлин қироллиги кутубхонаси араб қўлёзмалари каталогига<sup>58</sup> «كتاب ربيع الأبرار» «Китабу Рабиъ ал-аброр», Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқ қўлёзмалари тўпламининг II томида<sup>59</sup> «ربيع الأبرار» «Рабиъ ал-аброр» деб қайд этилган.

Асар ва унинг номи тўғрисида ўрта асар араб манбаларида ҳам маълумотлар учрайди, хусусан, ироқлик нахшунос олим Абу Барокот ал-Анбарийнинг «Нузхат ал-алиббоиъ фи табақот ал-удабоиъ» («Адиблар табақаларида донолар саёҳати») <sup>60</sup>, Мирзо Муҳаммад Боқир «Равзот ал-жаннот фий аҳвол ал-уламоиъ ва ас-саодат» <sup>61</sup> ва тарихчи Усмон аз-Заҳабийнинг «Сияру аълум ан-нубалоиъ» <sup>62</sup>, ҳиндистонлик тарихчи Абдулҳай ал-Лакнавийнинг «Ал-фавоид ал-бахийя фи тарожум ал-ҳанафийя» <sup>63</sup> китобларида асар мухтасар шаклда «ربيع الأبرار» («Рабиъ ал-аброр») деб берилса, адиб, сайёҳ, тарихчи ва географ олим Ёкут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси») <sup>64</sup> ва тарихчи, адиб Ибн ал-Қифтий «Инбох ар-руват ʼала анбох ан-нуҳот» («Ривоят қилувчиларнинг нахв уламолари тўғрисидаги хабарларга бўлган эътиборлари») <sup>65</sup> асарларида «Рабиъ ал-аброр» асарининг номи «ربيع الأبرار في الأدب والمحاضرات» («Рабиъ ал-аброр фи ал-адаб ва ал-муҳозарот») («Адаб ва маърузаларда яхшилар баҳори») деб келтирилади.

Ўзбек шарқшуносларидан академик А. Рустамовнинг «Маҳмуд Замахшарий» <sup>66</sup> ва манбашунос олим У. Уватовнинг «Нозик иборалар» <sup>67</sup> китобларида асар номи «Рабиъ ал-аброр ва нусус-ул ахёр» деб берилган.

Аксар тадқиқотчилар Маҳмуд Замахшарий асарининг номини мухтасар қилиб, «Рабиъ ал-аброр» ҳолатида зикр этишган ва бу шакл барча олимларнинг

<sup>56</sup> Charles Rieu. Catalogus codicum manuseriptorum orientalium qui in Museo Britannico asservantur. – London, 1894. – 714-p.

<sup>57</sup> Arthur J. Arberry. A Handlist of the Arabic Manuscripts. – Dublin, 1962. – p. 16.

<sup>58</sup> Wilhelm Ahlwardt. Arabischen Handschriften. – Berlin, 1895. – p. 333.

<sup>59</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. /Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Т.: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – 398-402 с.

<sup>60</sup> ابن الانباري. نزهة الألباء في طبقات الأدباء. 290-292ص.

<sup>61</sup> الميرزا محمد باقر الموسوي الخوانساري. 8-ج. 119ص.

<sup>62</sup> عثمان بن الذهبي. سير أعلام النبلاء. 20-ج. 151-159ص.

<sup>63</sup> محمد عبد الحي اللكنوي. ل فوائد البهية في تراجم الحنفية. مطبعة السعادة. 1-ج. 209ص.

<sup>64</sup> ياقوت بن عبد الله الحموي. معجم الأدباء. الناشر: عيسى البابي الحلبي. ج. 19. 134ص.

<sup>65</sup> علي بن يوسف القفطي. إنباه الرواة على أنباه النحاة. 3-ج. 266ص.

<sup>66</sup> Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: «Фан», 1971. 11 б.

<sup>67</sup> Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. «Нозик иборалар». /У.Уватов таржимаси. – Т.: «Камалак», 1992. 32 б.

қайдларида бир хил. Номланишда аниқланган тафовутлар асар номининг иккинчи қисмида кузатилган. Тафовутлар асар ёзилган араб тилидаги нуқталар билан боғлиқ. Номланишдаги фарқлар «фусус» (فصوص), «нусус» (نصوص) сўзларидаги «ф» (ف) ва «н» (ن) ҳарфлари «ахбор» (الأخبار) ва «ахёр» (الأخيار) сўзларидаги «б» (ب) ва «й» (ي) кўп учраган. Кўлёмаларни кўчирган котиблар томонидан нуқталарни хира ҳолатларда ёзганлиги ҳам аслиятни ўзгаришига олиб келганлигини кузатиш мумкин. Юқоридаги сўзларни бир-бирига ўхшашлиги асар номидаги фарқларни келтиришда сабабчи бўлади.

Бизнингча, асар номи *ربيع الأبرار ونصوص الأخبار في المحاضرات* «Рабиъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор фи-л-муҳозарот» («Маърузалар илмида яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») деб аташ мақсадга мувофиқ.

«Рабиъ ал-аброр» асари ҳам аксар асарлар каби муқаддима билан бошланади. Маҳмуд Замахшарий ўша давр анъаналарига кўра асарни басмала билан кейин пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобаларига саловатлари билан бошлаган.

«Рабиъ ал-аброр» асари 98 бобдан иборат. Асар бобларининг таркиби жиҳатдан турли хил фикрлар мавжуд. Масалан Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» асарида «Рабиъ ал-аброр» асари 92 боб деб, зикр этилади<sup>68</sup>. Айрим олимлар асарнинг мухтасар нусхаларидаги боблар сонидан келиб чиқиб, хулоса берганликларини ҳам кузатамиз. «Рабиъ ал-аброр»нинг Туркия, Эрон, Германия, Нидерландия ва Тошкент нусхаларини ўрганиш давомида маълум бўладикки, асар 98 бобдан иборат. Асарнинг 98 боб эканлигига ишора берадиган яна бир жиҳатга эътибор қаратдик. Арабларнинг «Абжад ҳисоби»га кўра муаллифнинг исми Маҳмуд сўзида умумий йиғиндиси 98 бўлади:

*ميم - 40 - م; ҳа - 8 - ح; мим - 40 - م; вов - 6 - و; дол - 4 - د = 98*

Тадқиқот давомида асар боблар мазмунига қараб уч қисм: кириш, асосий ва сўнгги қисмларга ажратилди. Назаримизда асардаги боблар таркиби ҳам мазкур уч қисмдан иборат. Кириш қисми дастлабки 1-10 бобни ўз ичига олган бўлиб, улар вақт, дунё, охират, осмон, юлдузлар, фаришталар, пайғамбарлар, оламнинг бирламчи асосини ташкил этувчи тўрт унсур (ер, сув, ҳаво, олов), табиат ва унинг ҳодисалари ҳақида маълумотлар беради.

Асарнинг асосий қисми 11 бобдан 91 бобга қадар бўлган 81 та бобни ташкил қилади. Уларда асарнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қиладиган жамиятдаги турли тарихий-жуғрофий, ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий, таълимий-тарбиявий, ҳуқуқий ва тиббий масалаларга оид маълумотлар ўрин эгаллаган.

Асарнинг сўнгги қисми 92 бобдан 98 бобгача бўлган 7 та бобни ташкил қилади. Бу бобларда қуруқлик ва сувда яшовчи турли ҳайвонлар, ҳашоротлар, қушлар ва шу каби жонзотлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

«Рабиъ ал-аброр» асари ҳам аксар асарлар каби турли манбалар асосида яратилган хотиралар ва маълумотномалар асари деб ҳисобланса тўғри бўлади. Чунки, Маҳмуд Замахшарий асарни ёзишда турли манбалардан фойдаланган. Анъанавий ислом тарихнавислигида фойдаланилган манбаларни ўқувчига

<sup>68</sup> كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. 1-ج. 832-833-ص. حاجي خليفة.

кўрсатиш ёки маълум қилиш борасида аниқ ва қатъий қоида йўқ. Бу муаллифнинг қизиқиши, шахсияти, иш маҳорати, салоҳияти, қобилияти ва иш услуби каби омилларга боғлиқ. Маҳмуд Замахшарий асарда 10 та («الاشتقاق-Ал-Иштиқоқ», «كتاب سيبويه», «الشامل-Ал-Шомил», «جلاويدان خرد-Жовидони хирад», «الانواء-Ал-Анвоиъ», «Китабу Сибавайх», «صحيفة الرضا-Саҳифат ар-Рида», «كلیلة ودمنة-Калила ва Димна», «المسالک و الممالک-Ал-Масолик ва ал-мамолик», «الياقوتة-Ал-Яқутат» ва «اليتيمة-Ал-Ятимма») манба номини зикр этсада, бошқа номи келтирилмаган кўплаб манбалардан унумли фойдаланади. Уларнинг номи келтирмаганлиги ўз даврида барчага маълум бўлган асарлар эканлиги ва уларни ўқувчига қайта эслатиш эҳтиёжи йўқлиги билан изоҳланади.

Маҳмуд Замахшарий фойдаланган ёзма манбаларни асосини диний, тарихий-жуғрофий ва адабий манбалар ташкил этади.

Маҳмуд Замахшарий китобхоннинг ишончини ошириш мақсадида Қуръони Каримнинг айрим сураларидан оятлар келтиради. Бу услуб ўрта асрларда ёзилган барча асарларга хос бўлган хусусиятдир. Шундан сўнг Ҳадиси қудсийдан, Ҳадиси Набавийдан, аҳли байтдан ва шундан сўнг қолган бошқа пайғамбарларнинг сўзларини саҳобалар, тобеъинлар орқали нақл қилинади. Шунингдек, Таврот, Забур ва Инжил муқаддас китобларидан ҳам фойдаланади. Жумладан,

مكتوب في التوراة الأمين من أهل الأديان كلها عايش بخير<sup>69</sup>

Тавротда шундай ёзилган, «Омонатдор киши хайрли умр кечиради».

طلق بن حبيب في زبور داود عليه السلام إن كنت لا بد تسأل عبادي فسل معادن ترجع مغبوطاً مسروراً ولا تسأل معادن الشر ترجع ملوماً محسوراً<sup>70</sup>

Талқа ибн Ҳабиб Довуднинг Забурида шундай дейди: «Агар бандаларимдан сўрасанг, яхшилиқни сўра, улардан хурсанд бўлиб қайтасан, агар ёмонликни сўрасанг, хафа бўлиб қайтасан».

مكتوب في الإنجيل الحجر الواحد في الحائط من الحرام عربون الخراب<sup>71</sup>

Инжилда шундай ёзилган, «Деворга уриладиган битта бўлса ҳам ҳаром йўл билан келган ғишт ўша деворнинг хароб бўлишига нишонадир».

Шу ўринда таъкидлаш керакки, минглаб иқтибосларни тўплаб, уни китоб ҳолига келтиргани Маҳмуд Замахшарийнинг нечоғли ўткир зехни, кучли хотира ва чуқур билим соҳиби эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Рабиъ ал-аброр**» асарининг қўлёзма нусхалари ва уларнинг илмий тавсифи» деб номланади. Бобда «Рабиъ ал-аброр» асарининг Ўзбекистон ва хориж фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари тавсифи, шунингдек, асарнинг мухтасар шакллари ва уларнинг қўлёзма нусхалари тадқиқи амалга оширилган.

Мамлакатимизда қўлёзмаларни тавсифлаш борасида биринчи қадам сифатида 1952 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «ФАН» нашриётида нашрдан чиқарилган «Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР» («ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўплами») номли монографик каталогини эътироф қилиш лозим. Бу тўпламда асар номи,

<sup>69</sup> ЎзР ФА ШИ. Қ.№ 2384. 270а варак.

<sup>70</sup> ЎзР ФА ШИ. Қ.№ 2384. 167б варак.

<sup>71</sup> ЎзР ФА ШИ. Қ.№ 2384. 30б варак.



муаллифи, қисқача таърифи, ёзилган йили, кўчирувчи номи, кўчирилган санаси, асар қўлёзма нусхалари каби маълумотлар ўз аксини топади<sup>72</sup>.

«Рабиъ ал-аброр»нинг Ўзбекистондаги қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Мусулмонлари идораси кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фонди ва Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят Ахборот – кутубхона маркази Шарқ фондларида сақланмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва Бухоро қўлёзма нусхалари илк марта тадқиқот манбаи сифатида илмий истифодага киритилмоқда.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси кутубхонасида 1490-инвентарь рақам остида<sup>73</sup> асарнинг нодир бир нусхаси сақланади. Қўлёзма ўлчови 26,5x17 см. Қўлёзма жами 402 варақ (804 бет)дан иборат. Ҳар бир бетда 22 қатордан матн жойлаштирилган. Фақат биринчи бет басмала билан бирга 16 сатр, сўнгги бет эса 21 сатрдан иборат. Мазкур қўлёзмада асарнинг боб номлари, Муҳаммад пайғамбар нисбатлари, атоқли исмлар, атоқли исмлардан олдин келадиган «айтди», «деди», «сўради», «айтишича», «хабар беради», «ёзишича» каби феълий сўзлари қизил сиёҳда, ажратилган ҳолда кўчирилган.

«Рабиъ ал-аброр» асари қўлёзмасининг бошқа бир нодир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида 2384-инвентарь рақамда<sup>74</sup> сақланади. Қўлёзма ўлчови 28x18 см. Қўлёзма ҳолати эски, варақларининг аксарият қисмини қурт тешган. Мазкур нусха 376 (16-376а) варақдан (752 бет) иборат. Қўлёзма бетларида 25 сатрдан иборат матн жойлаштирилган. Қўлёзмадаги фихристида шундай маълумотлар берилган: «*Бу Рабиъ ал-аброр китоби Ал-Қашишф муаллифи бўлган имом, аллома, Хоразм фахри, ислом шайхи, Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарийнинг асари ҳамда мазкур асар 81 бобдан иборат*». Бироқ фихрист бошида берилганидек, бу нусха 81 боб эмас, аксинча тўлиқ 98 бобдан иборат. Фихрист давомини кўрган киши асарнинг 98 та боб номлари ва улар қайси бетларда саҳифаланганини англаши мумкин.

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят Ахборот – кутубхона маркази Шарқ фонди каталогига бугунги кунда 128-инвентарь рақамида<sup>75</sup> асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Ушбу нусха жами 148 (1а-148а) варақдан (296 бет) иборат. Қўлёзмага 13 қатордан 20 қаторгача матн жойлаштирилган. Бу нусха новвот рангли (тўқ қаймоқ ранг) қоғозда настаълиқ хатида кўчирилган. Ушбу қўлёзма нусханинг ўлчови 20,5x11,5 см. Унинг муқоваси жигарранг қалин картондан зич қилиб ишланган. Қўлёзма ҳижрий 1057 йил (милодий 1647) рабиъ ул-аввал ойининг 22 кунда кўчирилган.

Бугунги кунда «Рабиъ-ал-аброр» асарининг турли макон ва замонларда кўчирилган 50 дан ортиқ қўлёзма нусхалари хориж кутубхоналари, фондлари ва музейларида сақланмоқда. Уларнинг аниқ сони юзасидан ҳали якуний ҳулосага

<sup>72</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том I./ Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Т: «Издательство академии наук УзССР», 1952. – С. 7.

<sup>73</sup> «Рабиъ ал-аброр» қўлёзмаси. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси. № 1490.

<sup>74</sup> ЎЗР ФА ШИ. Қ.№ 2384.

<sup>75</sup> «Рабиъ ал-аброр» қўлёзмаси. Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят Ахборот – кутубхона маркази Шарқ фонди. № 128.

келингани йўқ. Чунки, янги амалга оширилаётган илмий изланишлар натижасида, асарнинг ҳали ўрганилмаган қўлёзма нусхалари пайдо бўлмоқда.

Умуман олганда, «Рабиъ ал-аброр» асарининг қўлёзма нусхалари тўла ва ягона бир тизим остида тадқиқ этилмаган ва буни нималарда кўриш мумкин: аввало асарнинг хориж қўлёзма нусхаларининг барчаси тўғрисида ҳам тавсифий маълумотлар мавжуд эмас. Иккинчидан, қўлёзмаларнинг баъзиларини манбашунос олимлар томонидан уларни у ёки бу даражада тавсифини амалга оширишган. Учинчидан, асарнинг қўлёзма нусхалари тўғрисида маълумот берувчи алоҳида илмий тадқиқот мавжуд эмас. Мазкур тадқиқотда турли даврлардаги қўлёзмалар, каталоглар, интернет маълумотлар, катта-кичик илмий мақолалар ва бошқа маълумотларга таянган ҳолда «Рабиъ ал-аброр»нинг хориж нусхаларининг тавсифи амалга оширилган.

Тадқиқот давомида Туркиянинг Аё София, Франциядаги Париж, Эрондаги Мажлис (Парламент) миллий кутубхоналари, Нидерландиядаги Лейден ва Германиядаги Лейпциг университетларидаги асар қўлёзма нусхаларининг факсимил нусхалари қўлга киритилди.

